

УДК: 633.88

**FERULA TADSHIKORUM PIMENOV НИ ИЛДИЗИ ВА БАРГЛАРИДАН
АЖРАТИБ ОЛИНГАН ЭФИР МОЙЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ**

**ХИМИЧЕСКИЙ СОСТАВ ЭФИРНЫХ МАСЕЛ КОРНЕЙ И ЛИСТЬЕВ
*FERULA TADSHIKORUM PIMENOV***

Тухтаева Д.Н., Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти,
Тошкент, Ўзбекистон e-mail: tukhtaeva.d@mail.ru

Хамраева Д.Т., ЎзР ФА Ботаника институти ҳузуридаги Ф.Н. Русанов
номидаги Тошкент ботаника боғи б.ф.д. e-mail:
hamraeva.dilovar@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада камёб ўсимлик – *Ferula tadshikorum* Pimenov доривор ўсимлигининг илдиз ва баргларидан ажратиб олинган эфир мойининг таркиби аниқланган.

Калит сўзлар: барг, илдиз, интродукция, эфир мойи, *Ferula tadshikorum*.

Annotation: This article identifies the composition of the essential oil extracted from the roots and leaves of the rare plant *Ferula tadshikorum* Pimenov medicinal plant.

Key words: *essential oil, Ferula tadshikorum, introduction, leaf, root.*

Айрим ўтказилган тадқиқотларда (Sahebkar, Iranshahi, 2010), *Ferula* L. (Apiaceae Lindl.) туркумига Ўрта Осиёдан Ғарбий шимолий Африкагача тарқалган 170 га яқин турни ўз ичига олиши ва ушбу турлар халқ табобатида организмдаги турли касалликларини даволаш учун машҳурлиги ва каврак турларининг кўпчилиги кучли хушбўй ҳидга эга бўлиб, бунга улар таркибидаги эфир мойининг хилма-хиллиги ёки олеорезин мавжудлиги билан боғликлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, ушбу изланишлар натижасида кавракдан олинган мойининг бактерияга ва замбуруғларга қарши ҳамда бошқа биологик фаоллигини кўриб чиқилган, шунингдек, доривор мақсадларда каврак туркумининг турли хил доривор турларидан олинган эфир мойларининг кимёвий таркибини бўйича маълумотлар умумлаштириб келтирилган [1].

Н. Борисов, М.Г. Пименов, А.И Баньковскийларнинг (1977) томонидан олинган тадқиқот натижалари ва адабиётлардан кимёвий таркиби бўйича олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, каврак туркуми турлари кимёвий бирикмаларни ишлаб чиқиши жиҳатдан З синфга ажратилган ва унга боғлик хемосистематик қонуниятларни аниқлаш имконини берган. Туркумнинг турларидан, асосан, хушбўй кислоталар ва терпен спиртларининг мураккаб эфирлари ажратиб олинган. Каврак туркумига мансуб таксонларнинг кимёвий жиҳатдан бир хил эмаслиги уларнинг таксономиясини қайта кўриб чиқиши зарурлигини кўрсатган [2].

Ушбу ишнинг мақсади *Ferula tadshikorum* ривожланишининг виргинил босқичидаги турли ёшдаги ўсимликларнинг илдизлари ва баргларидағи эфир мойининг таркибини аниқлаш ҳисобланади. Тажриба учун қуидаги ёшдаги виргинил босқичдаги ўсимликлар олинди:

- Сурхондарё вилояти Боботог туманидан йигилган 12-14 ёшли ва 24-27 ёшли етук ўсимликлар;
- Тошкент Ботаника боғида интродукция шароитида етиштирилган 4 ийллик ўсимлик.

Ўрганилган барча ёшдаги ўсимликлар барг ва илдизларининг таркибий компонентларини сульфид сақловчи ва азот сақловчи моддалар, углеводородлар, терпенлар ва бошқалар ташкил этди. *Ferula tadshikorum* турида сульфид сақловчи моддаларнинг юқори кўрсаткичи унинг ёши билан боғлик бўлиб, асосан табиий шароитда ўсган вакилларининг илдизида кўпроқ фоизда тўпланиши аниқланди.

Адабиётлар

1. Sahebkar A., Iranshahi M. Biological activities of essential oils from the genus *Ferula* (Apiaceae) // Asian Biomedicine Vol. 4. No. 6. 2010. Pp. 835-847.
2. Борисов В.Н., Пименов М. Г., Баньковский А.И. Распространение некоторых биологически активных соединений в роде *Ferula* L. по данным ИК, УФ спектроскопии и тонкослойной хроматографии // Растительные ресурсы. Т. XIII. Вып. 2. «Наука» Ленинградское отд. 1977. – С. 276-291.